







**▲ КУНГИЛИ ВА МАДАНИЙ МАСКАН**  
**▲ ОНА МУХАББАТИНИ УЛУҒЛАБ...**  
**▲ ЯНГИЛИК — ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ**  
**▲ ЯХШИ ДАМ — МЕХНАТГА ҲАМДАМ**  
**▲ ХУШБЎИ ИЧИМЛИК — ЖОН РОҲАТИ**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Энди ортқича изоҳга ҳолат йўқ эди. Чойхона нега ошхонага айлантирилганлигининг асл сабаби маълум бўлган. Биз ошхоналар трестидан чиқиб М. Горький номи боққа келдик. Боғдаги «Летний» нафеснинг директори М. Мақсудов бизни хушмуомалалик билан кутиб олди. Соёқ чойхонада шавла ва сомса савдоси авжда экан. Таажжубланарлиси, у ерда гўжон бўлиб овғатланаётганларнинг тўқсон тўққиза фоизи катталар эди... Аммо чойхона буткул тугатиб юборилмади. Бир чеккада эски сўрилардан биттаси қолди. Унинг тепасига «Фахри мўсафидлар жойи» деб ёзиб қўйилди. Кафе директоридан:

— Чойхонани эслаб туриш учунми? — деб сўрадик сўрига шора қилиб.

— Эй, она, шундай қилмасан бўлмасди, — деди у. — Чойхонамига пенсионерлар ўрнатилган. Чойхонани буткул тугатсан улардан балога қоламиз...

— Улар бошқа жойга борса бўлмас эканми? — Шу ерга ўрнатилганмиш, шу ер салқин эмиш...

Аслини олганда айнан шунинг учун трест раҳбарлари чойхонани миллий таомлар ошхонасига айлантиришган. Бу ер одамни тортадиган, сўлим, салқин жой...

Ленин район ошхоналар трестиданги суҳбатнинг давомини эслашимиз: Чойхоналар сони нечта? Биласми, — деди бошқиб биров ўнгайсизларни, — бизнинг районимиз асосан саннат району ҳисобланади. Уларга чойхонанинг қизиги йўқ. Ленин районимизда умуман чойхоналар бор. Ҳали айтганимдай М. Горький паркида бор (!)... Қўйлик, Госпитальний бозорларида бор. Хукуматимизнинг ичкиликбозликка қарши қарори эълон қилинган мунассабати билан Госпитальний бозордаги пивохонани дарҳол қайта жиҳозлаб, чойхонага айлантирдик.

— Яхши. У ерда энди фақат чой сотиладими?

— Йўқ, миллий таомлар ҳам сотилади. Ахир, биз савдо обродини йўқотмаслигимиз керак. У ер пивохонали пайтида ҳар кун 300 сўмлик савдо бўларди. Шу турмуш йўқолмаслиги керак...

Амал Икомов район ошхоналар трестига кўнгирок қилиб, трест иختирида нечта чойхона борлигини сўрадик. У ердан: «Корхоналар қошдаги икки-учта чойхонани ҳисобга олманганда, трест иختирида чойхоналар йўқ даражада», деб жавоб бердиши.

Киров район ижория комитетининг раиси Р. Ҳикматуллоев ҳузурда бўлиб, Юнусовдан массивида нечта чойхона борлигини сўраганимизда, у киши гапни узокдан бошлаб, шундай деди:

— Ҳозир Юнусовдан массиви 17 кварталдан иборат. Унда 150 минг одам яшайпти. Аммо ҳали Юнусовдан дурӯсткор кинотеатр йўқ, стадион йўқ, боғ йўқ. Умумий овқатланмиш тармоғи яхши ривожланмаган. Чойхона эса бу ишларнинг энг сўнгига турди.

Раиснинг гапига шунинг қўшимча қилиш мумкинки, район ижория комитетиданлар бошқа бир фактни — Юнусовдан массиви аҳолисидан вакиллар келиб, кварталда битта чойхона, жилла бўлмас битта «бостирма» қуришда ердан беришни сўраб, райивжоркум эшигининг турмушини бузётганлигини ҳам тани олиши. Лойҳа асосида қурилиш тугаган кварталларда давлат йўли билан чойхона эмас, «товуқхона» қуриш ҳам амри маъқул...

Шоҳар марказидаги ҳамма маълум ва машҳур «Зангори гумбаз» чойхонасининг чойхоначиси Азим ака Мамажабовнинг чойхоначилик қилаётганига 30 йил бўлди. Азим ака билан унинг чойхонасида гурунлашдик. Бу суҳбатда «Зангори гумбаз» кафесининг директори Хурсанд Нуроматов ҳам иштирок этди.

Кун сайин республикамиз пойтахти қиёфаси гўзаллашиб бормоқда. Кўплаб тураржой ва маданий-маърифий объектлар ишга туширилди. Кейинги вақтда айниқса меҳнаткашларнинг дам олишини таъминлаш эътиборида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда шаҳримиздаги 1 Май ва Карл Маркс кўчалари туташган жойда янги кафе ишга туширилди. Куйбишев райониданги ошхоналар трестига қарашли янги кафеда меҳнаткашлар турли хил хушталма ичимликларни истеъмол қилишлари мумкин.

СУРАТДА: янги кафе. М. Нуррадинов фотоси.

— Эллигинчи йилларда Октябрь районида нечта чойхона бор эди? — деб сўрадик Азим акадан.

— Қиррича яқин. — Қани ўша чойхоналар? — Бир қисми 1966 йилдаги элзилдан сўнг шаҳарни қайта қуриш мубайнада бузилди, бир қисми ошхонага айлантирилди, пасткам, кўрмисиз биноларга жойлашганлари маҳаллар ахтирига бериб юборилди.

Дарвоқе, ҳозир шаҳарда трестлар иختирида бўлган, юқорида ҳамшаҳаримиз В. Яковлев «Правда» газетаси саҳифаларида таърифлагани сингари чойхоналар бармоқ билан санарди. Уларга ҳам ноилжидан, аҳолининг ҳақли норозилиги пайдо бўлиши сабаблигина тегилмапти. Ак

**• ТОШКЕНТ-ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР ШАҲРИ**

# ЗАМОНАВИЙ ЧОЙХОНА

У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

ҳолда бу чойхоналарнинг қисмати ҳам М. Горький номи боғдаги чойхонасини сингари бўлиши ҳеч гап эмас. Бу фикримизнинг тўғрилигига яна бир мисол: Тошкентнинг 2000 йиллиги олдидан фарғоналик ва самарқандлик дўстларимиз катта ҳаёратлар билан қуриб, совға қилган аjoyиб «Фарғона» ва «Самарқанд» чойхоналари ҳозир «силлиқина» кафе-ресторанларга айлантириб юборилганлиги, бу ерларда чой фақат «примиум» сотилаётганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Эътироф этиш керак, шаҳарда маҳалла комитетлари иختирида бўлган, анча баҳолаб жойларга жойлашган уч-тўртта чойхона бор. Афсуски, уларнинг кўпчилигидаги хизмат маданиятини, санитария аҳволини талаблар даражасида деб бўлмайди. Бу чойхоналарнинг аксарияти ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган майхонага айланиб қолган...

«Кўйлик — 4» массивидаги чойхона қурилиши воқеаси ҳамон бу ерданларнинг ёдида. Бу воқеа бундан саккиз йил аввал бўлган. Кекалар иختири тарзда аҳолидан пул тўлашди, қурилиш учун жой танлашди. Ҳақар йўли билан пойдевор қурилатганида Ленин район ижория комитетиданлар воқеадан хабар топиб, югуртилаб келишди. Уртада «жанг» бошланди кетди. Ноурин дилисёҳликлар бўлиб, анча кишининг асаби қушқанди. Охири, икки томон муроғига келди. Чойхона қуришга руҳсат берилди.

Мана, ҳозир бир неча йилдирки, массив аҳолиси ўзининг «қўлола» чойхонасига эга. Бу ерда кишилар зериккан пайтларда тўп-тўп, чойхўрлик қилишади. Маҳалланинг тўймаърақасини ўтказиш, массивини ободонлаштириш масалалари шу ерда муҳокама этилади.

Шундай савол туғилади: чойхона ҳамон зарур экан, чойхона қуриш билан боғлиқ жанжаллар қўп жойларда бўлиб турган экан, нега уларни қуриш массивлар лойиҳасида кўзда тутилмапти? Нега уни бошқа биноларга уйғулаштириб, кўркам қилиб қуриш мум

кин эмас? Ҳозир массивларда ЖЭҚлар, милиция пунктлари учун ҳам бинолар қурилмапти. Уларга район ижория комитетлари битта-иккитадан квартираларни ажратиб беришади. Ҳамон шундай экан, бу ташиқлотларни оила учун мўлжалланган квартираларга жойламай, алоҳида бино қуриб, массивнинг ўзига ҳо гузарини бунёд этиш, унда битта чойхона, битта кичикроқ клуб, сартарошхона ва бошқа шу каби маънавий-маданий объектлар бўлишини назарда тутиш маъқул эмасми? Ахир, ўзгари ҳар бир маҳалланинг йўли гузари — аҳоли тўпланадиган, уюшадиган жойи бўлган-ку.

Ўзбек турмушида чойхона қадимдан ўзига хос клуб вазирасини ўтаган. У одамлар бир-бири билан қўришиб, ўлик-тирикликдан хабардор бўлиб ту

шу ишни одамларнинг ўзлари қилиши мумкин эмас? Қилса бўлади, бироқ уларнинг бошини қопуштириш, жалб этиш қийин. Тўғриси, шунга жалб этиш қийин. Навини, қўп қаватли уйларда йиллаб яшаб, тепасидаги квартирада ким турганини билмайдиган, қўшини билан бир марта ўтириб, чой ичмаган одамлар бор.

КПСС Марказий Комитетининг жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланган «Ичкиликбозлик ва алкоғолизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан чойхоналар ва ошхоналар тармоғини кенгайтириш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу беғиз эмас, албатта. Киши арафча нима учун ятилди (биз соғлом, ичкиликбозлигини одат

ди шундай яхши мақсадлар учун яратган. Яқинда бўлиб ўтган республика партия активизми таъкидлаб ўтилганидек, «Бўш вақтни уюштириш соҳасидаги бунтун фаолиятимиз конкрет ниссонга бўйсундирилши, унинг ўсиб бораётган қизқичқилларини ҳисобга олиши керак. Бу иш формасини бир қилига солмасдан, турли категория ва ёшдаги аҳолининг эҳтиёж ҳамда истакларини ҳисобга олиб, ижодий равишда танлаш керак». Ҳамон шундай экан, клублар, дам олиш уйлари, профилакторийлар, спорт майдонлари, маданият ва истироҳат боғлари кишилар ҳаётида қандай ўрин тутса, чойхоналар ҳам худди шундай ўрин тутиши лозим. У ерда одамлар хушбўй чой ичиб гурунлашганда ташқари, маданий-оқартуви ва тарбия ишларининг муҳим маркази бўлсин. Ҳар бир чойхонанинг ўз «қизит» бути чағи бўлса, бу ерга пеллағоллар, олимлалар келиб боғлар тарбияси, турмуш маданияти ҳамда халқаро мавзуларда лекция ва суҳбатлар уюштиришга, атоқли санъаткорлар ва адиллар, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар, аския нечалари ва концертлар ўтказилжа айни муддао бўларди.

Қолаверса, биз чойхона молиявий жиҳатдан ўзини оқламайди, деган фикрга ҳам қўшимаймиз. Сўлим жойга қурилган чойхона ўзини тўла оқлашини ҳамшаҳарларимизнинг ва меҳмонларнинг сезимли жойи бўлган «Зангори гумбаз» чойхонаси фойдали ишбодлагани. Бу чойхона штатига тўрт киши бор. Ҳар кун 110—120 сўмлик савдо бўлади. Бу корхоналардаги ошхоналарда ҳар бир киши ҳисобига қилнайдиган Уртача савдодан анча ортти.

Чойхоналарнинг ҳаётимизда адолатли ўрин, маънени тиклаш учун, аввало улар тармоғини кенгайтириш лозим. Шаҳарнинг ҳар бир боғида, серуви, салқин жойларида чойхоналар бўлиши керак. Улар савдо ходимлари истаганидан кафе-чойхоналар эмас, балки чой ва ширинликлар, енгил пиширилган сотилдиган ҳақиқий чойхона бўлиши керак.

Балки бунинг учун айрим ташкилий масалаларни ҳам ҳал этиш лозимдир. Чунонки, чойхоналар трестлар иختиридан олиб, йирик корхоналар баланига ўтказиш эки шаҳар умумий овқатланмиш бошқармаси қошида ташкил этиладиган алоҳида идорага бириктиришга улар тармоғини кенгайтиришга ва бошқармиш қулай бўлмасмикин? Бу идора хўжалик ҳисобиде иш юритиб, мафлавлор идоралар, корхоналар билан шарнома асосида алоқа қилса бўлмасмикин? Маъсуд шунки, чойхоналар тақдирини мутасадди бўлган идора иккинчи бор мўмай ва енгил даромад манбаи бўлмасин...

Шу ўринда ишнинг муваффақияти чойхонага қандай кишилик муҳирини қилишига боғлиқлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Чойхоначи аввало, ширинсухан, ташкилотчи, партия ва ҳукуматимиз сўбатидан хабардор бўлган, ўзи бажараётган ишнинг асл моҳирини яхши англайдиган, манфаатпарастлик иллатидан ҳоли бўлган киши бўлиши керак. Шундай қилинмаса, ган гап-гапчи қилиб, шаҳарда яхши чойхона аниқнинг урғун бўлиб қолаверди.

Алиаазар ЭГАМНАЗАРОВ.

**РЕДАКЦИЯДАН:** Чойхонанинг ҳозирги тараққиёт босқичидаги ўрни, қиёфаси, хизмати қандай бўлиши керак? Редакцияга ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида партия ва меҳнат ветеранлари, ишчилар, хизматчилар ҳамда кўплаб ёшлар билан суҳбатлашимиз — фикр алмашишга тўғри келди. Чойхонанинг тарафдорлари кўп. Ҳўш, гап нимада қолган?

Ушбу мақола туртки бўлиб, суҳбат даврамиз яна кенгайди. Унга устоз ва мураббий қариялар, маҳалла активлари, ишчи ва хизматчилар, архитектор ва буюноқлар, чойхона тақдирини мутасадди кишилар қўшмади ва хусусан «тап нимада қолган»-лигини аниқлаб оламиз деб умид қиламиз.

Яхши аънаналар шаҳри бўлган Тошкент осмонлар бинолари, кенг проспектлари, хиебонлар билангина эмас, сўлим жойларга дид билан қурилган, одамларини оҳанграбдила ўзига чорлайдиган замонавий чойхоналар билан ҳам машҳур бўлса ажаб эмас. Давр тақозоси ҳам шундай. Сиз замонавий чойхона қандай тасаввур этасиз, ҳурматли газетхон?!

## СИНОВЛАР МАСКАНИ

Швейцария альпинизм мактабининг тингловчилари ўз «Битирув имтиҳонларини» Помирда ташиқдорлар. Улар Ленин чўққисига (денгиз сатҳидан 7134 метр баландликда) чиқдилар. — Бу бизда аънанга айланган қолган, — дейди Ўзбекистон ахборот агентлигининг муҳбири билан суҳбатда «Ора» альпинизм мактабининг раҳбари Ханспетер Риф. — Бизнинг чўққига кўтарилишимиз ҳисоб бўйича еттинчидир. — Нега айни Помирни танлагилар? — Нимасини айтасиз, бунга сабаблар кўп! Бу регионда турли миқёс ва тоифадаги альпинист

лар учун «ёқув синф хоналарини» топшиш мумкин. Бунда спорт стажи нисбатан катта бўлмаган кишилар ҳам, Ҳимолай чўққилари кўтаришга юксак класдаги альпинистлар ҳам ўз кучи, маҳорати, матонатини синаб кўриши мумкин. Ленин чўққисига кўтарилиш марш-рутида эса биз энг хилма-хил синовларга дуч келамиз.

Бу сафар табиат биз учун бир мунча «кўшимча» сурчлар таъйирлади. Кўрпачи эгиз қор бурони, довул, 6000 метр баландликдаги лагерда эса гурпула ер силкинишга дуч келди: ҳаммаси муваф

фақиятли тугади. Энг қийин вазиятларда ҳам дарҳол ёрдамга етиб келишга тайёр бўлган совет спортчилари яқинида турибди деган ишонч бизни доимо қўллаб-қувватлаб турди. 3600 метр баландликда жойлашган «Очиқтош» альпинистлар лагерини радио орқали доимо алоқа боғлаб турилди. Биз Помирда кўпгина доврақ, ишончли ўртоқларини учратдик. Шу танишувлар бизни бу ерга доимо жалб этиб туреди.

Ленин чўққисига «Юра» мактаби тингловчилари — Швейцария ва Германия Федератив Республикасида

12 киши кўтарилди. Уларнинг ҳар бири ана шу сафар чоғида ўз шахсий вазифасини ҳам бажарди.

ГФРлик доктор Моника Кумпф шу пайтгача оғоз экспедицияларида врач сифатида иштирок этарди. Бу гап у кишидоғ асбобчиси ўзи етти киши метрлик чўққига чиқишга қарор қилди. «Бу кўтарилиш менга аल्पинистларни теглаш ва иқлимга мослаштиришда, баландликдаги босимнинг организмига таъсирини ўрганишда ердан берди».

Урмончи Юрга Рулин (Швейцария) ҳам шу тоғ улқаси турли иқлимий ва тупроқ зоналариданги ўсимликлар оламнинг хусусиятлари қизиқтирди.

Швейцария альпинист профессионал тоғ йўл бошловчиси Ханс

мустақамлаб қайтилар. Ишлар чикариш машъаларидан Шарофат Қорабоева, Муборак Абдуллаева, Шаҳноза Исҳоқова кабилар Германия Демократик Республикаси бўйлаб туристик савҳат гаптини сурчишди.

Бундан ташқари у киши оқилвий савҳатлар ҳам тез-тез уюштирилди. Бундай тадбирлар ишчи ва хизматчиларнинг шанба, яқинба кунлари мазмули ўтишга сабаб бўлгати. С. СУЛТОНОВ.



«Зилов кўлда сайр қилиш ҳаммадан ҳам мароқли». Ҳ. Мирзақаримов фототўди.

**• Мажозий ҳикоялар**

### МЕНИНГ ҚУЁШИМ

Осмонда Қуёш беғу бор чарақлаб турибди. У худдусиз коинот айвониде олтин сочларини тараб-тараб, оламни безаяпти, яшнатпти. Еруғ дунёда бундай юлдазларнинг сон-саногўзал сейрамази яралиб, «Ҳаёт» деган ширин неъмат ато этилгандан бери Қуёш «оқ сут» — олтин нури билан шу заминни боқиб келгати. Демакки, Қуёш — Ерининг онаси! Мен Ерининг буюк сарвари — Инсонани Менинг Қуёшим — Онам! Онаким сиймосида Қуёшининг жамолани кўраман.

### МАЪНАВИЙ КЎРЛИК

Саратоннинг жазирама кун эди. Қуёш еруқини қиздириб, гўё олов пурақарди. Астроном дўстим Маматмусов билан Навоисой соҳилда, Қуёшининг узокдан келаятган нури шунча иссиқ бўлса, ўзи қанча олов оташ экан, деб баҳслашиб ўтирдик. — Қуёш оламга ақл бовар қилмайдиган даражада нур соқиди, — деди Маматмусов осмонга кўз қирини ташлаб. — Ана шу нурунинг денгиздан бир томчис — икки миллиметрдан бир улущинга сейрамазига етиб келади. Агар шу козинга нурунинг ҳаммасини жамлаб Орол денгизига йўналтирилса, бир неча сонияда денгиз суви бўлган, бир томчисини ҳам қолмайди.

Тўлкин РАСУЛЕВ.



«Она ва бола — гўл билан пола».

**Фан изланишлари, кашфиётлари**

### ЕРНИНГ НОМАЪЛУМ ВУЛҚОНЛАРИМИКНИ?

Планетамизда бирденга иккита улкан вулкон кратерлари топилди. Шунлардан бири гарбий Сахрон Кабирнинг қизиган қумлари остидадир, иккинчиси Ж. Эйсурот ери районида Антарктида музиги астида туради».

Кратерларни харьковлик олимлалар Москва ва Севастополь мухтаёсчилиги билан ҳаммуҳасидада ишлаб чиқишга радиолокацион система ердимида кўриш мумкин бўлди. Бу система совет «Космос-1500» ва «Космос-1602» йўлдошлари ичига ўрнатилган.

— Йўлдошларда ишлаб турган ендан кўрадиган радиолокацион системаси планета юзини комплекс ҳолда тадқиқ этишга имкон беради, — деди иш раҳбари А. Калмиков, — «радио кўз» учун на тун, на булут ҳалақит бера олади. Бу система ҳақ қўллагининг гўял хил-мехил тармоқларида қўлланчи мумкин. Масалан, Шимолйи денгиз йўли трассасида музликдан кемаларни ўтказиш, дарёларнинг қўллагини тошқин чегараларини аниқлаш экспериментлари яхши чиқди.

### СИБИРДА ИССИҚ ҚАНДАЙ АСРАЛАДИ

Сибирда кишиларни на эмас, шу билан бирга сановат буюнлари, уй-жойлар, коммуналқиялар ҳам иссиқ бўлганига муҳтождир. Кемерово химия санвати илмий тадқиқот институтининг ходимлари шунинг назарда тутиб, қишлоқдаги теплицентралларни изоляциялашнинг пухта ва арзон усулини тақлиф қилдилар. «Карболит» бирлашмасининг ишчилари эса олимлларнинг таъдир жорий этидилар.

Теплотрасса учун темир бетон навлар бўлиши шарт. Қувурлар шу навлар орасига олинадди. Қўлчица магистралчи ўраш учун асбест ёки минерал патладан ишланган гилофлар ишлатилади. Шу таҳлида асраган калориялар қимматга тушади. Кемерово илмий тадқиқот институтининг олимлари завод билан ҳамкорликда теплицентралларни изоляция қилиш ҳаёратларини анча арзонлаштиришга муваффақ бўлдилар.

Янги технологияни жорий этишдан «Карболит» бирлашмаси ҳам наф қўрди. Чунки суртиладиган соғла шу бирлашма асосий ишлаб чиқаришнинг чекитларидан тайёрланади.

### КЎЧМА ҚУТИЛАР

Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг олимлари ишлаб чиққан кўчма қутилар уларни бир устакдан иккинчи устакга тез кўчиришга имкон беради. Қўтининг энг муҳим хусусияти — уни тайёрлашнинг соддалиғидир.

Ҳар қандай қолхоз ва совхоз устакхонасида атиги уч иш кунда бундай кўчма қутиларни тайёрлаш мумкин. У йиғирма тўртта уя икки қават қилиб ўрнатилган платформадан иборат. Уларни ортиш, туширишда қўп тегишмапти. Платформаларда асарларнинг боқич учун энг яхши шартролар яратилган. Қутилар устиде йама соябор бор, улар ердан етарлича баландда туради.

Кўчма қутиларни тез кўчириш мумкин бўлганлиги тудайли асал берадиган жойлардан яхши фойдаланилди ва олинмаган асал икки барвар кўпайди.

Т. ГОЛУБИНА, Е. ЕФИМОВ, УЗАГА МУХБИРЛАРИ.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

